

**ЎЗБЕКИСТОН ЖУРНАЛИСТИКА ВА ОММАВИЙ  
КОММУНИКАЦИЯЛАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2019.Fil.14.01  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН ЖУРНАЛИСТИКА ВА ОММАВИЙ  
КОММУНИКАЦИЯЛАР УНИВЕРСИТЕТИ**

**МУЛЛАЕВА САХИБА САТИМБАЕВНА**

**КОНВЕРГЕНТ ТАҲРИРИЯТЛАРДА ЖУРНАЛИСТ МАҲОРАТИ  
МАСАЛАЛАРИ**

**10.00.09 – Журналистика (филология фанлари)**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент–2023**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
филологическим наукам**

**Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD) on  
Philological sciences**

**Муллаева Сахиба Сатимбаевна**

Конвергент тахририятларда журналист маҳорати масалалари.....3

**Муллаева Сахиба Сатимбаевна**

Проблемы журналистского мастерства в конвергентных редакциях.....27

**Mullaeva Sakhiba Satimbayevna**

The issues of journalism skills in convergent editions .....51

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works .....55

**ЎЗБЕКИСТОН ЖУРНАЛИСТИКА ВА ОММАВИЙ  
КОММУНИКАЦИЯЛАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2019.Fil.14.01  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН ЖУРНАЛИСТИКА ВА ОММАВИЙ  
КОММУНИКАЦИЯЛАР УНИВЕРСИТЕТИ**

**МУЛЛАЕВА САХИБА САТИМБАЕВНА**

**КОНВЕРГЕНТ ТАҲРИРИЯТЛАРДА ЖУРНАЛИСТ МАҲОРАТИ  
МАСАЛАЛАРИ**

**10.00.09 – Журналистика (филология фанлари)**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент–2023**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.3.PhD/Fil250 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университетидан бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзб, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.uzjoku.uz](http://www.uzjoku.uz)) ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим портали [www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz) да жойлаштирилган.

<b>Илмий раҳбар:</b>	<b>Тошпўлатова Назира Қурбоновна</b> филология фанлари номзоди, профессор
<b>Расмий оппонентлар:</b>	<b>Ёқутхон Маматова,</b> филология фанлари доктори, профессор в.б. <b>Ҳалим Саидов,</b> филология фанлари доктори, доцент
<b>Етакчи ташкилот:</b>	Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети ҳузуридаги илмий даража берувчи PhD.03/30.12.2019.Fil.14.01 рақамли Илмий кенгашининг 2023 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтди. (Манзил: 100017, Тошкент шаҳри, Марказ – 5, 88-уй. Тел.: (99871) 207-09-06; e-mail: [journalism.univer@gmail.com](mailto:journalism.univer@gmail.com)).

Диссертация билан Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (Манзил: 100017, Тошкент шаҳри, Марказ-5, 88-уй. Тел.: (99871) 207-09-06). ;

Диссертация автореферати 2023 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2023 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_ рақамли реестр баённомаси)

**Ф.А.Мўминов**

Илмий даража берувчи илмий кенгаш раиси, филология фанлари доктори, профессор

**Н.Муратова,**

Илмий даража берувчи илмий кенгаш илмий котиби, филология фанлари номзоди, доцент

**Қ.Т.Ирназаров**

Илмий даража берувчи илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, тарих фанлари доктори, профессор

## КИРИШ

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда XXI асрнинг бошларига келиб оммавий ахборот воситаси (ОАВ) турларининг ўзаро интеграцияси замирида медиаконвергенция феномени тараққий этди. Интернет тармоғининг жамият ҳаётига кириб бориш билан ОАВ (матбуот, радио, телевидение) орқали ахборот узатишнинг шу пайтгача мавжуд вазифаларини ҳам бажара бошлади. Бу ҳолат ОАВ турларининг ҳам интернет муҳитига мослашишини тақозо этди. Натижада ахборот тарқатувчи корхона ҳисобланган таҳририятлар конвергент муҳитида ишлай бошлади. Замонавий технологияларга асосланган ҳолда узатилган ахборотнинг матнли, тасвир ва овозли шакллари истеъмолчи учун қулайлик яратди. Таҳририят журналистларининг конвергенция шароитида фаолият юритиши, табиийки, соҳа вакилларида янги маҳорат ва кўникмаларга эга бўлиш заруратини юзага келтирди.

Дунё халқаро медиамаконида ахборот узатишга бўлган муносабатнинг тубдан ўзгариши техник имкониятларни етакчи ўринга чиқса-да, журналистик материал мазмуни ўз долзарблигини йўқотган эмас. Аммо замонавий технологиялар шароитида ахборотни тайёрлаш ва узатиш шаклининг такомиллашуви журналистдан чуқур билим ва кўникмаларга эга бўлишни талаб этади. Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистон медиамуҳитида конвергент таҳририятлар фаолиятини ташкил этишда сиёсий, иқтисодий масалалар қаторида журналистларнинг рақамли медиакомпетенцияси ҳамда конвергентлик маҳорати масаласини тадқиқ этиш эҳтиёжини юзага келтирди. Қолаверса, замонавий медиамуҳит конвергент журналистда медиа восита ва ахборот технологияларидан ўринли фойдаланиш кўникмасини шакллантиришнинг замонавий моделларини яратиш вазифасини долзарб муаммо сифатида қўймоқда.

Мамлакатимизда сўнгги йилларда сўз ва матбуот эркинлигини таъминлаш бўйича амалга оширилаётган ислохотлар оммавий ахборот воситалари ходимлари фаолиятида ижобий ўзгаришларни яратиш баробарида тезкор ахборот муҳити рақобатига дош берадиган ҳозиржавоб журналистларни тайёрлаш талабини қўймоқда. Зеро, Президент таъкидлаганидек, “Яна бир муҳим масала – айрим журналист ва блогерларимизда билим ва профессионал малака, баҳс маданияти етишмаслиги жамоатчиликни ташвишлантирмоқда. Бу борадаги энг асосий вазифа – ана шундай камчиликларни чуқур ўрганиб, уларни бартараф этиш, мавжуд микдор кўрсаткичларини сифат кўрсаткичларига айлантириш, оммавий ахборот воситаларининг самарадорлигини оширишдан иборат”<sup>1</sup>.

Ўзбекистон Республикаси “Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида”, “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги Қонунлар<sup>2</sup> ҳамда

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига табриги // <https://president.uz/uz/lists/view/3675>.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикасининг “Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонуни // URL: <http://lex.uz/docs/>. Ўзбекистон Республикасининг “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги қонуни // URL: <http://lex.uz/docs/>

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сон, 2019 йил 2 февралдаги “Ахборот соҳаси ва оммавий коммуникацияларни янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5653-сон, 2022 йил 28 январдаги “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони<sup>3</sup> ва 2022 йил 27 июндаги “Оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш ва журналистика соҳасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Оммавий ахборот воситалари тараққиёти ва конвергент таҳририятларда журналист маҳорати масалалари билан боғлиқ илмий тадқиқотлар Ҳ.Женкинс, Р.Бурнет, А.Брансторм, Нильсон, С.Куин, Д.Фишер, А.Грант, Ж.Уилкинсон, Е.Вартанова, Е.Баранова, О.Молчанова, Е.В. Олешко каби хорижий олимлар томонидан маълум даражада ўрганилган<sup>4</sup>. Конвергент таҳририят журналисти учун зарур кўникма ва компетенциялар хориж олимлари П.Маркос, Д.Жавиер, М.Деуз, А.Амзин, Е.Килпелайнен, О.Копылов тадқиқотларида таҳлил қилинган.<sup>5</sup> М.Лукина, А.Калмыков, А.Коханова, С.Машковаларнинг ўқув қўлланмаларида эса тармоқ медиаларининг ўзига хослиги, таҳририятнинг онлайн контентини йўлга қўйишда замонавий ахборот технологияларини жорий этиш масалалари ёритилган<sup>6</sup>.

Ўзбек журналистикаси илмида Ф.Мўминов, Х.Дўстмуҳаммад, М.Худойқулов, Ф.Мўминова, Ё.Маматова, К.Ирназаров, Д.Рашидова, О.Абдуазимов, Ш.Қудратхўжаев, Н.Муратова, Н.Қосимова, А.Матёкубов, С.Дониёров, М.Нуриддинова каби олимларнинг интернет ҳамда анъанавий

---

<sup>3</sup> “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони // <https://lex.uz/docs/3107036>.

<sup>4</sup> Jenkins H. *Convergence Culture: Where Old and New Media Collide*. – N.Y.: New York University Press, 2006; Вартанова Е.Л. *К чему ведет конвергенция СМИ?* – М.: Информационное общество, 1999; Баранова Е.А. *Конвергентная журналистика. Теория и практика. Учебное пособие для бакалавриата и магистратуры*. – М.: Научное издание. – Люберцы: Юрайт, 2016; Олешко Е.В. *Конвергентная журналистика. Профессиональная культура субъектов информационной деятельности*. – Екатеринбург: Изд. Уральского университета, 2015.

<sup>5</sup> Marcos P., Javier D. *Online journalism: Research methods A multidisciplinary approach in comparative perspective*. Bilbao: Servicio Editorial de la Universidad del País Vasco, 2009; Deuze M. *What is Multimedia Journalism?* // *Journalism Studies*. 2004. – № 5(2); Амзин А.А. *Новостная интернет-журналистика*. – М.: Аспект-Пресс, 2013; Кильпелайнен Е.С. *Трансформация профессиональных компетенций журналиста в период цифровизации медиaprостранства: Дисс. ... канд. филол. наук*. – М., 2019; Копылов О. *Особенности творческой деятельности журналиста в условиях медиаконвергенции: Дисс. ... канд. филол. наук*. – Барнаул, 2012.

<sup>6</sup> Калмыков А.А., Коханова Л.А. *Интернет-журналистика. Учебное пособие для студентов вузов, обучающихся по специальности 021400 – “Журналистика”*. –М: ЮНИТИ-ДАНА, 2005; Машкова С.Г. *Интернет-журналистика. Учебное пособие*. – Тамбов: Тамбовский государственный университет, 2006.

журналистика масалаларига бағишланган тадқиқотлари яратилган<sup>7</sup>. Хусусан, С.Дониёров медиаконвергенция шароитида газеталар таҳририятлари фаолиятини ўрганган, М.Нуритдинова мультимедиавий журналистика масалаларини интернет сайтлари фаолияти мисолида таҳлил қилган. Бироқ бу изланишларда босма конвергент таҳририят журналистининг фаолияти, тили, ифода усуллари, журналистик маҳорати каби масалалар етарлича ўрганилмаган.

### **Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги**

Диссертация тадқиқоти Журналистика ва оммавий коммуникациялар университетининг “Халқаро журналистика назарияси ва амалиётининг долзарб масалалари” мавзусида олиб борилаётган истиқболли илмий-тадқиқот режаси ҳамда ИТД-1-117-сон “Журналистика факультетлари бакалаврлари учун репортёрлик маҳорати ва таҳрирга доир ўқув-услугий қўлланмаларнинг янги авлодини яратиш ҳамда “Репортёр” ўқув-ахборот ресурс марказини ташкил этиш” (2012-2014) амалий лойиҳаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади.** Ўзбекистон матбуотида конвергент таҳририятлар ва уларда фаолият юритаётган журналист кадрларнинг медиаконвергенция шароитига мослашуви ва онлайн муҳитда медиаконтент яратиш билан боғлиқ маҳоратини ошириш услубларини такомиллаштириш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

миллий журналистикада конвергент таҳририят мақомини белгилаш, *конвергент таҳририят* тушунчасига ойдинлик киритиш; конвергент таҳририят турларини аниқлаш, *мультимедиавий, кросс-медиавий, трансмедиавий таҳририят* тушунчаларининг ўзига хос жиҳатларини назарий ўрганиб чиқиш ва тегишли хулосалар чиқариш;

конвергенция жараёнида юзага келган ахборот узатишнинг янги интеграциялашган усуллари аниқлаш;

мультимедиавий ахборотнинг босма матбуот материалларига таъсири ҳамда конвергент журналистларнинг ахборот технологияларидан хабардорлик компетенциясини социологик сўровномалар асосида аниқлаш;

---

<sup>7</sup> Интернет журналистика (Интернетда радио ва телевидение). Илмий мақолалар тўплами // Масъул муҳаррир Ф. Мўминов. – Тошкент: MRS-Tashkent, 2005; Дўстмуҳаммад Х. Журналистнинг касб одоби муаммолари: назарий-методологик таҳлил. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2005; Глобаллашув даври ва ахборот макони // Ўзбекистон матбуоти, 2007. – № 3. – Б. 12-14; Рашидова Д. Особенности формирования Интернетовской журналистики и специфика Интернет в качестве глобального СМИ: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Тошкент: НУУз, 2002; Интернет в Узбекистане: возможности и проблемы. – Тошкент: Zar-Qalam, 2003; Рашидова Д.К., Азимов Ж.Н. СМИ в Интернет и освещение законодательной деятельности интернет журналистикой. – Тошкент, 2006; Қудратхўжаев Ш. Интернет тарихи, тузилиши, техник хавфсизлик. – Тошкент: Ўзбекистон, 2011; Қудратхўжаев Ш. Журналист фаолиятида Интернетдан фойдаланиш. – Тошкент: Ўзбекистон, 2011; Абдуазимов О.У. Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини барпо этишда матбуотнинг ўрни: ижтимоий фикр мониторинги: Социол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент: ЎзМУ, 2007; Абдуазимов О.У. Ахборотлашган жамиятда жамоатчилик фикри мониторингини таъминлашда оммавий коммуникациялар социологиясининг ўрни (Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларининг 2001–2016 йиллардаги материаллари мисолида): Социол. фан. д-ри (DSc) ... дисс. автореф. – Ташкент: ЎзМУ, 2017; Муратова Н. Журналистика в Интернет: особенности on-line изданий Узбекистана и их функционирование в условиях глобального информационного рынка: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Ташкент: НУУз, 2011.

босма ОАВ контент яратувчиларининг маҳорати масаласини тил, услуб ҳамда жанрлар интеграцияси, трансформацияси асосида таҳлил қилиш ва ўзига хос жиҳатларини компаратив усулда ҳудудий кесимда умумлаштириш;

маҳаллий таҳририятлар фаолияти таҳлили асосида замонавий журналистнинг вазифаси, ролини белгилаш ҳамда конвергент таҳририятда фаолият олиб борадиган журналистга қўйиладиган талабларни аниқлаш, улар маҳоратини ошириш бўйича методик тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Ўзбекистон ва хориждаги босма конвергент таҳририятлар танланган. Таҳлил учун хориж нашрларидан “The New York Times”, “The Economist” газеталари; республика миқёсидаги “Янги Ўзбекистон” ҳамда “Зарафшон” ҳамда “Фарғона ҳақиқати” ҳудудий газеталари, уларнинг расмий веб-сайтлари фаолияти олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** бўлиб Ўзбекистон босма конвергент таҳририяти журналистларининг фаолиятини ўрганиш, газетанинг полиграфик ва онлайн нусхаси контентини яратишдаги ёндашувларни илмий-назарий тадқиқ этиш ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот жараёнида қиёсий, SWOT таҳлил, статистик таҳлил, сўровнома, фокус гуруҳ методларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилigi** қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистон масс-медиясида конвергент таҳририят фаолияти ва конвергент журналист маҳорати масаласи далилланиб, миллий ахборот бозорида мультимедиалашган, интеграллашган ҳамда кросс-медиавий таҳририятларнинг ўрни ва ўзига хос хусусиятлари асосланган;

босма таҳририятларда медиаконвергенция жараёнида юзага келувчи ахборот узатишнинг янги, интеграциялашган усуллари – инфотейнмент, финишинг, глокаллашув каби тушунчалар аниқланган ҳамда республика таҳририятларига нисбатан ҳудудий нашрларда глокаллашув усулидан нисбатан самарали фойдаланилаётгани исботланган;

мультимедиавий контентда жанрлар трансформацияси секин кечаётгани аниқланган ва босма нашрнинг онлайн шаклга ўтишида контентнинг (тили, услуби, дизайни) қайта ишланмаслиги самарадорлик пасайишида асосий омил экани асосланган;

жаҳон ва миллий журналистика амалиётида конвергент таҳририятлар фаолияти асосида журналистнинг кундалик вазифасидан ташқари *муҳаррир-агрегатор, мультимедиа продюссери, тармоқ мутахассиси, газетачи+те сухандон* каби янги ролларни бажараётганлигидан келиб чиқиб конвергент журналист маҳоратини оширишнинг замонавий методикалари таклиф этилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистон медиамуҳитида конвергент таҳририятлар ўрнини белгилашда медиаконтент ва унга қўйилаётган замонавий талаблар таснифланди;

Босма нашрлар онлайн контентини яратишда йўл қўяётган хато ва камчиликлар, жанрлар трансформацияси муаммолари таҳлил этилиб, амалий ечимлар таклиф қилинди;

конвергент журналистнинг ахборот технологиялари, мультимедиавий воситалардан фойдаланиш компетенцияси асосида самарали медиа контент яратиш маҳоратини ошириш методикаси ишлаб чиқилди;

аниқланган камчиликлар ва таҳлиллар бўйича ҳудудий таҳририятларда, хусусан, “Зарафшон”, “Фарғона ҳақиқати” газеталари журналистлари учун семинар-тренинглар ташкил этилган;

Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети бакалавр босқичи талабалари учун “Конвергент журналист ва матбуотнинг визуаллашуви” фани бўйича фан ва ишчи ўқув дастурлари ишлаб чиқилган, маъруза матнлари, тақдимот ва видеоматериаллар тайёрланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** ишда қўлланилган ёндашув ва усуллар, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, тадқиқот натижаларининг халқаро ҳамда маҳаллий тадқиқотлар билан таққосланганлиги, шунингдек, тажриба-синов ишларининг таҳлили ва тадқиқот натижаларининг сифат жиҳатидан таъминланганлиги чиқарилган хулоса ҳамда олинган натижаларнинг ваколатли тузилма томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқотнинг илмий аҳамияти босма конвергент таҳририятлар фаолияти, журналистларнинг контент яратишдаги маҳорати юзасидан мавжуд назарий маълумотлар асослаб берилганлиги, “Конвергент таҳририят ва матбуотнинг визуаллашуви” бўйича амалий таҳлиллар бажарилганлиги, замонавий журналист кадрлар тайёрлаш усул ва воситалари такомиллаштирилгани, хорижий тажрибалар қиёсида миллий медиа контентлар яратиш моделлари ишлаб чиқилгани билан белгиланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти конвергент таҳририятларда журналист маҳорати хусусиятларини аниқлашда манба вазифасини бажара олиши, унинг хулосаларидан олий таълим муассасаларида журналист кадрларни тайёрлаш учун “Матбуотда визуализация ва дизайн”, “Медиаконвергенция ва таҳририят ишини бошқариш”, “Янги медиалар назарияси ва амалиёти” каби фанлар ҳамда махсус курсларни ўқитишда дарслик, ўқув қўлланма, ўқув дастурларини ишлаб чиқиш, оммавий ахборот воситалари таҳририятлари ташкилий тузилмаси, улар қошида ташкил этилган медиа марказлар фаолиятини самарали йўлга қўйишга хизмат қилиши билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Конвергент таҳририятларда журналист маҳорати масалаларини тадқиқ қилиш юзасидан илмий натижалар асосида:

медиа маконда мавжуд ОАВнинг фаолият давомийлигини таъминлашда янги Ўзбекистон ОАВнинг бир форматдан иккинчисига ўтишида журналист маҳорати масалалари ва бу жараёнда конвергент таҳририятларда медиаконтент яратиш билан боғлиқ таҳлил натижаларидан “Зарафшон” ва “Самаркандский вестник” газеталарида фойдаланилган (“Зарафшон” ва “Самаркандский вестник” газеталари таҳририятининг 2022 йил 15 февралдаги 11-сон маълумотномаси). Натижада [www.zarnewz.uz](http://www.zarnewz.uz)

контентда материалларни онлайн форматга мослаштириш жараёни янги услубда амалга оширилган;

медиаконвергенция жараёнларида юзага келувчи ахборот узатишнинг инфотейнмент, финишинг, глокаллашув каби янги, интеграциялашган усулларининг босма тахририятлар учун жараёнга мослашишида муҳимлиги борасидаги умумлашма хулосалар “Ишонч” ва “Ишонч-Доверие” газеталари фаолиятига татбиқ этилган (“Ишонч” ва “Ишонч-Доверие” газеталари тахририятининг 2022 йил 21 октябрдаги 60-сон маълумотномаси). Натижада нашрнинг онлайн формати ходимлари учун алоҳида йўриқнома ишлаб чиқилган.

мультимедиавий контент самарадорлигини оширишда журналист маҳорати, тили ва услуби имкониятлари ҳамда жанрлар трансформациясига оид назарий хулосалар нашрнинг онлайн ва полиграфик формати ривожига ҳамда аудиторияни кенгайтиришга имкон яратган (“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” бирлашган тахририятининг 2022 йил 20 октябрдаги 117-сон маълумотномаси). Натижада газета фаолиятида илк маротаба QR-коддан фойдаланиш амалиёти йўлга қўйилган ва бу ҳолат нашрнинг YouTube платформасини ривожлантиришга хизмат қилган;

медиаконтент яратишда конвергент журналист маҳоратини оширишнинг замонавий методикалари бир вақтнинг ўзида ҳам худудий, ҳам хусусий бўлган нашр ходимлари фаолияти самарадорлигини оширишда қўлланган (“Фарғона ҳақиқати” ва “Ферганская правда” газеталари тахририятининг 2022 йил 24 мартдаги 128-сон маълумотномаси). Натижада журналист вазифаларининг ортиши ҳеч бир мураккабликсиз конвергент контент мазмуни ва сифати самарадорлигини таъминлаши асосланиб, тахририят ички низомида акс эттирилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Ушбу тадқиқот натижалари 5 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларда қилинган маърузаларда жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 14 та илмий иш чоп этилган, шулардан, АҚШнинг [www.amazon.com](http://www.amazon.com) нашрида битта монография, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия қилинган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 4 та республика ва 2 та хорижий журналда нашр этилган.

**Тадқиқотнинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан ташкил топган бўлиб, ишнинг умумий ҳажми 154 саҳифадан иборат.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, ишнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, мавзу бўйича хорижий илмий-

тадқиқотлар шарҳланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси аниқланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ҳамда амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Замонавий масс-медиада конвергент таҳририятнинг ўрни”** номли биринчи бобида *конвергент таҳририят* тушунчасига тавсиф берилган, миллий медиадаги таърифи ишлаб чиқилган. Медиаконвергенция натижасида юзага келган ахборот узатишнинг янги интеграллашган усуллари тадқиқ этилиб, конвергент таҳририят журналистлари улардан қай даражада фойдаланаётганлиги ёритилган. Конвергент журналист фаолияти асосини ташкил этувчи *медиаконтент* тушунчаси, унинг пайдо бўлиш тарихи ҳамда медиаконтентга қўйилаётган замонавий талаблар таҳлил этилган.

Маълумки, *конвергенция* сўзи латинча “convergere” сўзидан олинган бўлиб, “яқинлашиш”, “бирикиб кетиш” маъноларини билдиради. “Cambridge Dictionary”да бу сўзнинг луғавий маъноси “бир нуқтада бирикиш”, “бир томонга йўналиш”, “яқинлашиш”, “қўшилиш” тарзида берилган<sup>8</sup>.

Журналистика соҳасида бир неча ОАВ турининг бир жойда яқинлашуви, улар фаолиятига янгича ёндашувга нисбатан *“медиаатизм”* термини ишлатилади. Ушбу термин биринчи марта 1977 йилда В.С.Хелемендик томонидан қўлланган<sup>9</sup>. У оммавий коммуникацияларнинг ривожланиши таъсирида ОАВ фаолиятини мувофиқлаштириш, мунтазам равишда таркибни янгилаб бориш, ўзаро функционал боғлиқлик сингари тамойиллар асосида матбуот, радио ва телевидение функцияларининг ўзаро таъсирини умумийлаштириб боришни тан олиш зарурлигини қайд этади. Ўтган асрнинг 70-йиллари охирида олим “вақт ўтиши билан журналистика ташкилий тузилмасининг ўзгариши ва мустақил газета, радио, телевидение умумлашиб, ягона маълумот марказига айланиши” ҳақида фикр юритади<sup>10</sup>.

Айнан шу йилдан “конвергенция” тушунчаси компьютер, телефон, телевизор каби ахборот-коммуникация технологиялари қурилмаларининг умумий хусусиятларига нисбатан қўлланила бошланди. Америкалик тадқиқотчи Д.Белл ахборот жамияти ҳақидаги янги тушунчалар ва ғояларнинг хусусиятларини қайта кўриб чиқиб, улар конвергенция шароитида бирлашган, деган ғояни илгари суради. Конвергенция ҳақидаги назариялар 1980 йилда АҚШда телекоммуникация бозори ва Ғарбий Европада эфирга узатиладиган ахборот бозорини тартибга солиш масалаларини муҳокама қилишда янада ривожлантирилди. Аммо миллионлаб одамларнинг кундалик ҳаётига интернетнинг тез суръатда кириб бориши *конвергенция* тушунчасининг маъносини янада кенгайтди<sup>11</sup>.

<sup>8</sup> <https://dictionary.cambridge.org/dictionary/english/convergence>.

<sup>9</sup> Хелемендик В. С. Союз пера, микрофона и телекамеры. – М.: Мысль, 1977. – С. 96.

<sup>10</sup> Хелемендик В. С. Кўрсатилган манба. – Б. 96.

<sup>11</sup> Вартанова Е. Л. К чему ведёт конвергенция СМИ. – М.: Аспект Пресс, 1999. – С. 86.

Негаки айнан интернет техника ва технологияларнинг кўпвазифалилигини оширишда асосий восита ҳисобланади.

Медиаконвергенция жараёнининг ҳосиласи сифатида *конвергент таҳририят* тушунчаси юзага келди. Илмий адабиётларда *конвергент таҳририят* терминининг турли хил таърифлари мавжуд. Содда тил билан айтганда, *конвергент таҳририят* бир неча оммавий ахборот воситалари учун медиамаҳсулот ишлаб чиқарадиган ижодий тузилма бўлиб, кўпинча битта медиаассоциация таркибига киради<sup>12</sup>.

**Конвергент таҳририят** ўз аудиториясини англаган ҳолда тайёрланган ахборотни турли форматларда ҳар хил платформалар орқали етказа оладиган, ахборот технологиялари ва мультимедий воситалардан фойдаланиб, контент ярата оладиган журналистлар ижодий жамоасидир.

Россиялик тадқиқотчи А.Качкаеванинг таъкидлашича, конвергент ва анъанавий журналистиканинг асосий фарқлари таҳририятларни шакллантиришда, мақолаларни таҳрир қилишда, ходимларнинг ролларини тақсимлашда ҳамда ахборот технологияларидан фойдаланишда кўринади<sup>13</sup>. Бизнингча, олима яна бир жиҳатни эътибордан четда қолдирган. Конвергент таҳририятнинг вазифаси фақат ходимлар функцияларини тўғри тақсимлаш ёки ташкилот менежментини тўғри йўлга қўйиш билан чекланмайди. Бу ўринда конвергент журналистнинг дунёқараши ҳамда профессионалиги ҳақида ҳам сўз юритиш мақсадга мувофиқ. Техника ва технологиялардан фойдаланиб, контент яратувчи субъект – бу конвергент ходим. У конвергенциянинг моҳиятини англаши, замонга мос ҳаракатланиши, ўзининг мақсадли аудиториясини таниши, вақтини тўғри тақсимлаши ҳамда минимал имкониятлардан максимал фойдаланишни уддалиши лозим.

Яна бир рус тадқиқотчиси Е.Баранованинг фикрича, медиаконвергенция ҳар бир ОАВнинг интернетда ўз платформасини яратишидан бошланади<sup>14</sup>. Албатта, бу хулоса тўғри. Аммо ўз сайтини ишга туширган барча таҳририятга ҳам *конвергент* деб таъриф бериш ўринли эмас.

Конвергент таҳририятлар фаолияти бўйича илмий изланишлар олиб борган Е.С. Кильпеляйнен уларни бир неча турларга бўлиб ўрганади. Жумладан, *мультимедиялашган, интеграциялашган, кросс-медиявий таҳририят* кабилар.

Мультимедиялашган таҳририятда ҳар бир муҳаррирнинг технологик йўналиш учун махсус ўқитилганлиги муҳим аҳамиятга эга. Бу ҳолат нашрнинг босма ва онлайн кўринишлари учун бир вақтнинг ўзида ишлайдиган алоҳида таҳририятларига тегишлидир. Мисол тариқасида миллий медиадаги “Bright Uzbekistan” журнали таҳририятини келтириш мумкин. Унда онлайн ва оффлайн режимдаги йўналишлар алоҳида жамоа

---

<sup>12</sup> Журналистское образование в условиях конвергенции СМИ / Л.П. Шестеркина, Н.К. Поляева, Е.П. Соколова, Л.К. Лободенко, Л.И. Белова, О.Ю. Харитоновна; под ред. Л.П. Шестеркиной. – Челябинск: Издательство РЕКПОЛ, 2012.

<sup>13</sup> Качкаева А.Г., Кириа И.В., Коломитс К.Г., Качкаева А. Journalism and convergence: why and how traditional media are transformed into multimedia. – М.: Focus Media, 2010. – С.326.

<sup>14</sup> Баранова Е.А. Конвергентная журналистика. Теория и практика. Учебное пособие для бакалавриата и магистратуры. – М.: Научное издание Люберцы: Юрайт, 2016. – С.269.

билан таъминланган. Шунингдек, “Ишонч” ҳамда “Ватанпарвар” таҳририятларида онлайн нусха ҳамда Youtube платформасига контент яратиш учун алоҳида медиамарказ фаолият юритади. Аммо уларда қисман кросс-медиавий таҳририятга хос унсурлар ҳам учрайди. Яъни газета мухбирлари бир вақтнинг ўзида ҳам босма, ҳам онлайн нусха учун материал тайёрлайди.

*Интеграциялашган таҳририят*, асосан, технологик имкониятлари орқали янгиликлар оқимини бирлаштирадиган таҳририят бўлиб, барча ахборот каналлари таркибини ўз ичига олади. Бу таҳририятда алоҳида бир канал учун масъул ходим белгиланмайди, босма ва рақамли ахборот узатиш шаклларида янгиликларни ёритиш жавобгарлиги муайян бир соҳага ихтисослашган муҳаррир зиммасига юкланади. Масалан, “Зарафшон” газетаси кўпроқ интеграллашган таҳририят турига мос келади. Аммо газетадаги деярли барча мухбирлар сайт ва youtube каналига материал беришга ҳаракат қилишади.

*Кросс-медиавий таҳририят* иш жараёни ўзаро маълумот алмашиш принципига асосланган таҳририятдир. Бунда турли бўлим ходимлари нашрнинг ҳам босма, ҳам онлайн нусхалари учун контент яратадилар. Бу веб-сайтни видео ва аудиоклиплар билан таъминлаш имконини беради<sup>15</sup>.

Ўзбек медиа оламида конвергент таҳририят турларига кирувчи, яъни унинг барча таърифига тўлиқ жавоб берувчи таҳририят деярли йўқ. Аммо шу учта тур хусусиятларини ўзида жамлаган таҳририятлар мавжуд. Масалан, “Янги Ўзбекистон” газетасини кросс-медиавий таҳририятга киритиш мумкин. Унда газета мухбири сайт учун ҳам барабар ишлайди. Шунингдек, нашрнинг онлайн нусхасига жавобгар шахс ҳам тайинланган. У тўғридан-тўғри таҳририят бош муҳарририга бўйсунди ва газета ходимлари фаолияти маҳсулидан сайт контентини шакллантиради. Бу жиҳат эса интеграллашган таҳририят хусусиятларига мос келади.

Тадқиқотда, шунингдек, ОАВ конвергенцияси натижасида юзага келган инфотейнмент, финишинг, глокаллашув каби янги ахборот узатиш усуллари ва уларнинг ўзбек медиасида интеграллашуви масаласи ёритилган. Жаҳон журналистикаси амалиётида “The New York Times”нинг YouTube платформасидаги “Инфотейнмент” (“Infotainment”) лойиҳаси оммалашган, аммо ўзбек медиасидаги конвергент таҳририятларда инфотейнмент формати кам учрайди. Юртимизда финишинг усулига қисман мос келувчи контентлар кузатилса-да, ҳудудий нашрларда глокаллашув усулидан бирмунча кенг фойдаланилади.

Таҳлиллар шуни кўрсатдики, Ўзбекистонда конвергент таҳририят феномени мавжуд бўлиб, амалиётда у ёки бу турда, гоҳида аралашган тарзда учрайди. Масалан, мультимедиавий таҳририятда кросс-медиавийлик, интеграллашган таҳририятда эса мультимедиавий таҳририятга хос жиҳатлар кўзга ташланади. Конвергент таҳририят феномени ривожда республика ёки ҳудудий нашр тушунчаси аҳамиятсиз. Чунки республика таҳририятлари

---

<sup>15</sup> Молчанова О. Конвергентная редакция как новый тип организации редакционной структуры СМИ // Информационное общество. – Санкт-Петербург, 2018. – №1. – С.157.

орасида ҳам конвергенция шароитига мослаша олмаётганлари мавжуд бўлса, худудий нашр бўла туриб, конвергент таҳририят фаолиятини тўғри ва самарали йўлга қўяётган нашрлар ҳам бор.

Замонавий ахборот майдонида журналист яратаётган контент билан фойдаланувчи яратаётган контент (user-generated content) ўртасида аудитория учун кураш кетмоқда. Интернет сайтларида контент босма нашрларга нисбатан қисқа, лўнда ва қизиқарли услубда ёзилган ҳолда мультимедиавийлик билан бойитилиб, тезкор тарзда тақдим қилинади. Аудитория, биринчи навбатда, тезкор ахборот берилганлиги, кейинги ўринда ахборот қизиқарли ва осон тушуниладиган тарзда узатилгани, уни интернетдан, асосан, мобил телефон орқали олиш имконияти яратилганлиги учун ҳам интернет сайтлари ҳамда мессенжерларни афзал кўради.

Мана шу икки ҳолат босма нашрлар ва аудитория ўртасида бўшлиқни пайдо қилди. Бунга барҳам бериш учун, аввало, умумий аудиторияга қаратилган оммавий контент яратиш аъъанасини ўзгартириш керак. Аудиторияни сегментларга бўлган ҳолда айрим гуруҳлар учун мўлжалланган ихтисослаштирилган контент яратиш зарурлиги тадқиқот ишида мисоллар асосида исботлаб берилган.

Диссертациянинг **“Медиа контент яратишда замонавий технологияларнинг ўрни”** номли иккинчи бобида мультимедиавийликнинг матбуот материалларига таъсири ўрганилган. Бобда конвергент таҳририят журналистларининг замонавий технологиялардан хабардорлик компетенциясини аниқлаш мақсадида ўтказилган онлайн сўровнома натижалари таҳлили келтирилган.

*Мультимедиа* (“*multimedia*”) термини (“multi” – кўп, турли хилдаги ва “media” – восита) “турли хил медиалар йиғиндиси” маъносини ифодалайди. Ушбу термин “ахборотни турли шаклларда (матн, аудио ахборот, компьютер графикаси, видеоматбуот, фотосурат ва бошқалар) сақлаш, алмашиш ва тақдим этишга имкон берувчи техник восита” маъносини англатади<sup>16</sup>.

Бугунги кунда рақамли медиа ривожда, асосан, фото ва инфографикадан фойдаланилаётганлигини алоҳида таъкидлаш керак. Фотоларни креатив усулларда бериш борасида “Ватанпарвар” газетаси контентини мисол қилиш ўринлидир. Чунки ушбу газетада фотолардан кенг ва самарали фойдаланилади. 2021 йил 17 июлдан ўз фаолиятини бошлаган “Холис назар” кундалик электрон газетасида ҳам фотоларни танлаш ва жойлаштиришда замон талабларига амал қилинаётганлигини таъкидлаш жоиз.

Инфографикадан кенг ва самарали фойдаланаётган нашр сифатида “Янги Ўзбекистон” газетасини кўрсатиш мумкин. Ушбу газетанинг ҳар икки-уч сонидан инфографика мустақил ёки мақолани тўлдирувчи ёрдамчи восита сифатида қўлланилади. Айниқса, давлат миқёсидаги қарор, фармон ёки бирор қонун эълон қилинса, орадан кўп вақт ўтмай, унинг матни асосида инфографика тайёрланиб, қўшимча матнсиз берилади.

---

<sup>16</sup> Қосимова Н., Тошпўлатова Н., Шофайзиёва Н., Муратова Н. / Босма ОАВ таҳририятлари учун ўқув қўлланма. – Тошкент, 2008. – Б.45.

Фото ва инфографика “The Economist” нашрида газетада қандай берилса, сайтда ҳам шундай акс этади. Эътиборли жиҳати шундаки, ҳар бир мақола учун шу контентдан келиб чиқиб, оригинал фото тайёрланади.

Афсуски, юртимиздаги ҳудудий нашрларда бу воситалар ҳануз оммалашмаган, улар ҳанузгача “анъанавий кўринишлар”дан четга чиқа олганича йўқ. Лекин босма ва онлайн нашрларини бир хил ривожланишда олиб боришга ҳаракат қилаётган “Зарафшон” газетаси ҳамда унинг электрон нашри (“zarnews.uz” веб-сайти таҳририяти) фаолиятида мультимедиа воситаларидан фойдаланишга уринишлар кўзга ташланмоқда.

Миллий конвергент таҳририятларда фото ва инфографикадан ташқари, видеоконтент тайёрлаш ҳам ривожланмоқда. You Tubeга жойланган видеомаҳсулот рақамли матбуотда QR-код воситаси ёрдамида намоён бўлади.

QR-код (“Quick Response Code” – тезкор аниқланадиган код) 1994 йилда Япониянинг “Denso” компанияси томонидан автомобилсозлик эҳтиёжлари учун ишлаб чиқилган икки ўлчовли штрих код ҳисобланади. У 2953 байтлик маълумотни битта кичкина квадратга, яъни 7089 та рақам ёки 4296 та ҳарф, 1817 иэроглифни жойлаштириш имконини беради. Бу коднинг асосий афзаллиги шундаки, уни сканерловчи ускуна (мобиль телефон, фотоаппарат) ёрдамида осон ва тез ўқиш мумкин<sup>17</sup>. Аввалига техника ва интернет имкониятлари сабаб у қадар оммалашмаган.

Аксарият нашрларда QR-кодга аудиоматн ёки мақоланинг сайтдаги электрон нусхасини жойлаштириш амалиёти кўп учрайди. Масалан, “Ватанпарвар” газетаси биринчилардан бўлиб бу ташаббусни бошлаган бўлса, кейинчалик “Холис назар”, “Зарафшон” газеталарида мақола учун махсус QR-кодлар берилди. Эътиборлиси, деярли барча газетанинг бош саҳифаси тепасида сайтга йўналтирувчи QR-кодлари мавжуд.

“Янги Ўзбекистон” газетасида ушбу таҳририятлардан фарқли ўларок, видеоконтентни QR-кодга жойлаш амалиёти йўлга қўйилган. Жумладан, ушбу нашрнинг 2021 йил 28 май 101-сонида “Юк ташувчи бўлиб қолиб кетишим мумкин эди” сарлавҳали мақола бирданига тўртта платформада: газетанинг қоғоз варианты, сайт, YouTube канали ҳамда телеграм мессенжериде эълон қилинди. Газетанинг pdf шаклини ҳам қўшиб ҳисобласак, ахборот етказиш усуллари яна биттага кўпаяди.

Мақола асосида тайёрланган видеолавҳа газетада эълон қилинишидан бир кун аввал YouTubeга жойлаштирилади. Бир сутканинг ичида ушбу контентни кўришлар сони 1000 тага етган. 2021 йил 7 декабр ҳолатига кўра бу кўрсаткич 4 675 тани ташкил этди. Сайтдаги кўришлар сони эса 693 та бўлган. Демак, газета шу пайтда 79 242 та нусхада босилган бўлса, ундаги айнан шу контентдан хабардор аудитория сони 84 610тани ташкил этди. Бундан кўриниб турибдики, айнан ушбу контент туфайли таҳририятнинг аудиторияси муайян миқдорда кенгайган. Қолаверса, мақола газета ва сайтда сторийтеллинг жанрида матн фақат респондентнинг тилидан ёзилган бўлса, YouTube версиясида матн суҳбат шаклида берилган. Яъни унда мақола

<sup>17</sup> Корнев М. Зачем СМИ нужен QR-коды. / <https://jrn1st.ru/qr>. Мурожаат санаси: 19.09.2021.

муаллифи ҳам бевосита иштирок этган. Газетага нисбатан сайтда кўпроқ расм жойлаштирилган.

Мультимедиавийликнинг матбуотга таъсири аксар ҳолларда контентнинг электрон нусхага кўчишида намоён бўлади, деб қаралади. Аммо “The New York Times”, “The Economist” каби йирик таҳририятлар фаолиятида мультимедиавийликнинг даврий матбуотга сезиларли таъсирини кўриш мумкин.

Конвергент таҳририятлар, хусусан, ҳудудий нашрлардаги бугунги манзара журналистларнинг мультимедиавий воситалардан қай даражада фойдаланаётганини кўрсатди. Бунинг асосида уларнинг замонавий ахборот технологияларини билиш компетенцияси ётади.

Рус олими О.Копыловнинг фикрича, “рақамли асрда медиа соҳаси вакиллари ахборот оқимининг кўпайиб бораётган марказидан истемолчилар мулоқот манфаатларининг чеккасига ўтган. Мавжуд вазият профессионал журналистнинг индивидуаллигини йўқотиб, оммавий ахборот воситалари субъекти мақомини четга суриши билан таҳдид қилмоқда”<sup>18</sup>.

Диссертацияда *универсал журналист*, *транспрофессионал журналист* ҳамда *конвергент журналист* терминларининг моҳияти очиқ берилиб, уларга тавсиф берилган.

Бугунги замонавий медиада *универсаллашув* термини бироз эскиргандек. Чунки турли мавзуда ва йўналишда профессионал даражада ёза олиш мураккаб жараён. Ахборот технологиялари ва интернет ривожига ҳосиласи сифатида юзага келган конвергенциялашув шароитида конвергент таҳририятда фаолият юритувчи журналистга нисбатан “*универсал журналист*” таърифи қўлланса, ушбу терминнинг маъноси тораяди.

Универсал журналист битта соҳанинг турли вазифаларини уддалай оладиган мутахассисдир. Агар у матн билан ишласа, турли мавзуларда ёза олади. Агар камера каби техник воситалар билан иш олиб борса, ҳам тасвирга олиши, ҳам монтаж қилиши ҳамда чироқ устаси вазифасини бажара олиши мумкин. Аммо айрим манбаларда конвергенция шароитида ишлаётган журналистларга нисбатан ҳам шу терминнинг қўлланилаётганини кўриш мумкин. Хусусан, рус олими С.Корконосенконинг таъкидлашича, “... бугунги кунда *универсал мухбир* контентни бир марта яратиш ва уни турли ахборот платформаларида бир неча марта такрорлаш асосида конвергенция жараёнини биринчи ўринга чиқарган рақамли аср журналистидир... У мультимедиа таҳририда қўлланиладиган асосий технологияларни ўзлаштириши керак: макет, рақамли фотосурат, видео ва овозни таҳрирлаш кўникмаларига эга бўлиши, компьютер маълумотлар базалари билан ишлаши, замонавий тармоқлар орқали керакли маълумотларни қидириши ва текшириши керак”.<sup>19</sup>

<sup>18</sup> Копылов О. Особенности творческой деятельности журналиста в условиях медиаконвергенции: Дисс. ... канд. филол. наук. – Барнаул, 2012. – С.3.

<sup>19</sup> Корконосенко С.Г. Основы журналистской деятельности. Учебник для академического бакалавриата / под редакцией С. Г. Корконосенко. – 2-е изд., перераб. и доп. – М.: Издательство Юрайт, 2019. – С.332.

С.Дониёровнинг фикрича, *универсал журналист* тушунчаси бироз эскириб, ўрнига “кросс-медиа учун ўқитилган журналист” ёки турли платформалар учун материаллар тайёрлашни эплайдиган кўп малакали журналист атамалари кўпроқ ишлатилмоқда<sup>20</sup>.

Америкалик олимлар бу масалага бошқача муносабат билдиришган. Жумладан, тадқиқотчи Р.Хобс *универсаллашув* термини ўрнига *рақамли ва медиасаводхонлик лаёқати ёки кўникмаси* (digital and media literacy competencies) терминини қўллашни таклиф қилади. Бу компетенция беш қисмга бўлинган бўлиб, учинчи компоненти “контентни тил, фото, овоз ва янги рақамли технология ва воситалар орқали яратиш компетенцияси” сифатида келтирилган<sup>21</sup>.

Бизнингча, ушбу фикрга қисман қўшилиш мумкин. Чунки шиддатли ва рақобатга тўла ҳозирги ахборот асрида нафақат журналист, балки ҳар бир инсондан медиасаводхонлик талаб этилади. Аммо медиасаводхонлик жуда кенг тушунчадир. Аслида медиасаводхонлик кўникмалари учта асосий йўналишга бўлиб тадқиқ этилади: тушуниш; фойдаланиш; яратиш<sup>22</sup>.

Бугунги журналист ушбу босқичларнинг учинчиси – яратиш босқичида иштирок этади. Бунда рақамли ва медиакомпетенцияга эга бўлган журналист, Р.Хобс келтирганидек, беш қисмдан иборат кўникмаларни ўзида шакллантириши керак. Шу жиҳатдан бу тушунчани конвергент таҳририят муҳбирига нисбатан ишлатиш унчалик ўринли эмас.

*Транспрофесионал журналист* мутахассислиги бўйича тор, лекин компетенция нуқтаи назаридан универсалликка интилувчи ходимдир<sup>23</sup>. У мавзуга ёндашувда ихтисослашиб, контент тайёрлаш ва уни узатишда универсаллашади. Бунда битта журналистнинг турли касб эгалари ролини бажариб туриши кераклигига ишора қилинади.

М.Нурутдинова ўз илмий изланишларида мультимедиавий журналистикада фаолият олиб борувчи ходимларга нисбатан ушбу терминни қўллаган. Аммо биз конвергент таҳририят ходимига *конвергент журналист* термини мос деган хулоса асосида унга қуйидагича таъриф бердик: *конвергент журналист* бир пайтнинг ўзида ОАВнинг барча турига журналистик материалларни (матн, фото, видео, аудио, графика) тайёрлай оладиган, техник имкониятлардан фойдаланишни ўзлаштирган, ахборот билан ишлаш салоҳиятига эга мутахассисдир.

Рус тадқиқотчиси В.Гатовнинг фикри биз келтирган изоҳни қўллаб-қувватлайди. Унинг қайд этишича, конвергент журналист медиа компания менжерлари замонавий медиа конвергенциясини кўп каналли ва кўп платформали контент яратувчилардан кўра аниқроқ ҳис қилишлари сабабли киритилган терминдир. Ушбу термин 1990 йилларда истеъмолга кириб

<sup>20</sup> Дониёров С. М. Медиаконвергенция шароитида газеталар таҳририятлари ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари (Ўзбекистон мисолида, 2010 йилдан кейинги давр): Филол.фан. док. (PhD) ... дисс. – Тошкент: 2020. – Б.114.

<sup>21</sup> Hobbs R. Digital and Media Literacy: A Plan of Action. – Washington, D.C.: The Aspen Institute, 2010. – P.8.


<sup>22</sup> Муратова Н. Журналистикада медиа ва ахборот саводхонлиги / Н. Муратова, Э.Гризл, Д. Мирзахмедова. – Тошкент: “Baktria press”, 2019. – Б.14.

<sup>23</sup> Hellmuller L., Mellado C. Professional roles and news construction: A media sociology conceptualization of journalist's role conception and performance // Communication & Society, 2015. – №28 (3). – P.11.

келган ва аср бошларида баъзи йирик нашрлар фаолияти орқали ривожланган. Сенсорли смартфонлар оммалашиб, ўзида журналистик фаолиятнинг барча воситаларини мужассам этиши билан *конвергент журналист* тушунчаси қайта кўриб чиқилган.<sup>24</sup>

Ахборот олиш ва уни қайта ишлашда журналистларнинг ахборот технологияларидан қай даражада хабардорлиги ҳамда ўз фаолияти давомида ундан қай тарзда фойдаланиш тўғрисида муайян тушунчага эга бўлиш мақсадида Ўзбекистондаги конвергенция жараёнига мослашаётган таҳририят журналистлари ўртасида сўровнома (Google Forms орқали) ўтказилди. Унда турли нашрлардан жами 125 нафар журналист иштирок этди. Сўровномада қатнашган респондентларнинг 33,6%и 23-35 ёшларда, 26,9%и 35-45 ёш атрофида, 24%и 45-55 ёшларда, қолган 12,8%и 55 ёшдан юқори бўлди.

Жавоблар бугунги вазият қувонарли даражада эмаслигини кўрсатди. “Инфографика ёки таймлайнни мустақил равишда тайёрлай оласизми?” деган саволга 52,8% журналист “Унинг нималигини биламан-у, лекин ўзим тайёрлай олмайман” деган жавобни берган. Бу аксарият медиа вакилларида инфографика ҳақида тушунча бор, лекин уни тайёрлашда билим ва тажрибанинг йўқлигини билдиради. Респондентларнинг атиги 29,6%и ўзи тайёрлай олишини қайд этган, 17,6%и “Аслида ўзи нима улар?” деган жавобни белгиллаган. (1-расм)



1-расм

Олинган ва қайта ишланган ахборотни тарқатишда замонавий технологиялардан фойдаланиш муҳим. Айниқса, медиа бозорида ахборот оқимининг кўплиги ўз контентига ўқувчини жалб қилишида журналистга бу каби воситалар жуда зарур. Шулардан бири SEO оптималлашувдир. У (*search engine optimization*) қидирув механизмларини оптималлаштириш воситаси бўлиб, максимал даражада мижозларни жалб қилиш мақсадида сайтни қидирув тизимларининг юқори ўринларига олиб чиқишга қаратилган амалиётлар жамланмасидир<sup>25</sup>. Газета таҳририятининг онлайн нусхасини самарали йўлга қўйишида бу амалиётнинг ўрни катта. Бунда журналист уни қўллашни бошланғич даражада билиши керак. Сабаби босма нашрда чиққан

<sup>24</sup> Гатов В. Бизнес модели современных медиа компаний. Quo Vadis: что происходит онлайн? Понять, чтобы двигаться вперед // Сборник статей. – Калмар: 2016. – С.24.

<sup>25</sup> Малий В., Золенко М. SEO на экспорт. Первая книга по продвижению зарубежом. Практическое руководство. – М., 2017. – С.10.

материалини сайтга мослаштириш, SEO талаблари бўйича қайта шакллантиришни журналистнинг ўзи бажаргани мақсадга мувофиқ. Афсуски бу борадаги сўровнома натижалари қониқарли эмас. 36% респондент унинг нималигини, қандай ишлатишни билмаслигини қайд этган бўлса, 42,4%дан ортиғи қулоғига тез-тез чалиниши, аммо ундан фойдаланишни билмаслигини эътироф этган.

Тадқиқотда ахборотни узатишдаги янги тенденцияларга ҳам тўхталиб ўтилган. Бунда “The New York Times” газетасининг онлайн нусхасида фойданувчиларга яратилган “Mobile Apps”, “E-mail Subscriptions”, “Most popular”, “Times Wire”, “Cross-platform save”, “Timesmachine” дастурий таъминотларининг техник қулайликлари ёритилган.

Бундай дастурий таъминотлар медиа маконда янги йўналишларнинг пайдо бўлишига олиб келди. Инглиз олимлари конвергенция тенденцияси журналистларнинг бир қатор ОАВ турларида ишлашини тақозо этаётгани, шу аснода замонавий малакага (multi-skilled) эга журналистларга эҳтиёж ортиб бораётганлиги хусусида кўп ёзишган<sup>26</sup>. Бундай мутахассислардан, ўз навбатида, юқори даражада мослашувчанлик талаб этилишига ишора қилинади. Бундан ўн беш йиллар илгари босма нашрлар журналистларининг барчаси аудио-визуал форматдаги иш жараёнига ўтиши ҳақидаги тахминлар бугунги кун медиа муҳитининг реал манзарасига айланиши билан ўз исботини топди.

Америкалик тадқиқотчи П.Бредшоу конвергенция шароитидаги журналистларнинг олтига касбини ажратган. Булар: муҳаррир-агрегатор, мобил журналист, журналист-таҳлилчи, мультимедиа продюсери, тармоқ мутахассиси, сайт бўйича масъул муҳаррир<sup>27</sup>. Ушбу янги фаолият турларининг деярли барчаси у ёки бу кўринишда “Bright Uzbekistan”, “Янги Ўзбекистон”, “Ишонч”, “Зарафшон”, “Фарғона ҳақиқати” каби таҳририятларда кузатилди.

Журналистик касб эволюциясига технологиялар ривожланишининг ҳосиласи сифатида қараш ўринлидир. Чунки технологиялар ва интернет тараққиёти журналистлар фаолиятида кескин бурилишлар ясаб, айрим касблар таназзули, айримларининг эса туғилишига сабабчи бўлди. Олдинги оператор-терувчи, хатларни рўйхатга олувчи, котиба каби касбий фаолият турлари бугун конвергент таҳририятларда қисқариб кетган. Ҳар бир ходимнинг интернет тармоғига уланган компютери мавжуд, иш жараёнини унинг ўзи бажаради. Хатлар электрон почта, телеграм мессенжери орқали келади ва автоматик тарзда рўйхатга олинади.

Ижодий ходимларнинг эса, аксинча, вазифалари ортган. Энди репортёр тадбирга фақат матн тарзидаги ахборотни ёзиш учун бормайди. У қўшимча тарзда аудио ва видеоматн ҳам тайёрлайди. Уларни кесиб-улаб монтаж ҳам

---

<sup>26</sup> Balčytienė A., Raeymaeckers K., Vartanova E. Changing Practices of Journalism. <https://core.ac.uk/download/pdf/55806062.pdf>.

<sup>27</sup> Бредшоу П. СМИ 21 века. Новые журналисты для новых информационных потоков. <https://sila.media/21profi/>.

қилса, вақтдан ютади. Лекин бу кўшимча юкламалар учун ҳақ тўланиш-тўланмаслиги таҳририятнинг иқтисодий имкониятларига боғлиқ.

Рус олимаси Е.Пак ҳам мультимедиа контентини яратувчи технология ва ускуналарнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши таъсирида журналист профессионал касбида ўзгаришлар бўлганини эътироф этиб, янги мутахассисликлар рўйхатини келтиради. Хусусан, *фотовидеомухбир, твиттер-репортёр (онлайн-шарҳловчи), фойдаланувчи контент муҳаррири, промоутер (интернет продюсери, траффик-менежери)* ва бошқалар<sup>28</sup>. Унинг фикрича, интернет журналист маҳорати ва кўникмаларининг кенгайиши ва такомиллашиши учун катта бир майдон бўлиб, кенг имкониятлар тақдим қилади. Тадқиқотда олима илгари сурган янги касбларнинг ўзбек медиасига интеграллашуви масаласи ҳам ёритилган. Аммо айтиш керакки, қайд этилган янги касблар барча конвергент таҳририятларда асл ҳолича, айнан учрамайди.

Ўзбекистонда миллий медидадаги айрим журналистларни *газетачи+тв сухандон* ролида ҳам кўриш мумкин. Дастлаб газета учун матн ёзишади, кейин оператор ёрдамида шу материал қаҳрамонини ёки шунга боғлиқ ҳодисани тасвирга олишади. Ушбу контентда улар тележурналист ёки телебошловчи сифатида намоён бўлишади. Маҳсулот газетада матн+фото+QR-код шаклида чиққач, сайтга қайта ишламай жойланади. Улар бир пайтнинг ўзида матн ёзишади, экранда айтадиган нутқи устида ишлашади, мультимедиавий контент яратишда режиссёрлик вазифасини ҳам бажаришади.

Журналистнинг бошқа ролларга ўтиши ҳақида гап кетганда битта умумий жиҳат кўзга ташланади: аксарият тадқиқотчилар келажакда муҳим бўладиган йўналиш сифатида ижтимоий тармоқдаги фаолликка урғу беришади. Ҳатто келгусида медида ижтимоий тармоқ журналисти етакчилик қилиши ҳақидаги фикрларни илгари суришади<sup>29</sup>.

